


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2025 йил 10 ноябрь, № 232 (9127) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ва фармацевтикани ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини ошириш, соҳани тубдан ислоҳ этишга қаратилган дастурлар ижросини муваффақиятли таъминлаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ўзининг билим ва салоҳияти, профессионал маҳорати билан диагностика ва даволаш амалиётида замонавий, юксак технологик усулларни кенг қўллаш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани, юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Абдиназарова Карамат** — Пахтакор туманидаги «Мингчинор» оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Жиззах вилояти

**Эргашев Бахтиёр Бердалиевич** — Республика перинатал марказининг чақалоқлар неонатал хирургияси бўлими мудири

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Зияев Махаммат Мамирович** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Тошлоқ тумани бўлими ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

**Иргашев Шухрат Боисович** — Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази превентив тиббиёт-валеология асослари кафедраси профессори

**Яқубова Рано Абдуллаевна** — Тупроққалъа туманидаги «Шихлар» оилавий шифокорлик пункти мудири, Хоразм вилояти

### I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Гадаев Абдигаффар** — Тошкент давлат тиббиёт университетининг оилавий тиббиётда ички касалликлар кафедраси профессори

**Кабулов Мэлс** — Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг хирургик касалликлар ва трансплантология кафедраси профессори

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давлат тиббиёт муассасалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида **қарор қиламан**:

**I. Мақсадлар**

1. Қуйидагилар тиббиёт ва фармацевтика ходимларини қўллаб-қувватлашнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

а) тиббиёт ва фармацевтика ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш;

б) аҳолига сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатаётган фидойи ходимларга қўшимча рағбатлантириш чораларини жорий этиш;

в) истиқболли ёш мутахассислар ўз касбий малакасини ошириб бориши учун қўшимча имкониятлар яратиш;

г) “шифокор — аҳоли саломатлиги посбони” шиори остида жамиятда уларнинг нуфузини ошириш.

**II. Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини молиявий қўллаб-қувватлаш**

2. 2026 йилдан бошлаб давлат тиббиёт муассасалари ходимлари Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан Тиббиёт муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ҳар йили **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорида** рағбатлантирилсин.

3. **Тиббиёт ходимлари куни** муносабати билан ҳар йили қуйидаги номинациялар бўйича танлов ўтказилсин:

а) **“Энг яхши республика шифохонаси раҳбари”, “Энг яхши ҳудудий соғлиқни сақлаш органи раҳбари”**;

(Давоми 2-бетда).

# ДИПЛОМАТИК РЕНЕССАНС



## Янги Ўзбекистоннинг изчил ташқи сиёсати унинг глобал майдонда ишончли ва прагматик ҳамкор сифатидаги мақомини мустаҳкамлайди

***Бугунги кунда учинчи Ренессанс тушунчаси замонавий Ўзбекистонга хос ижтимоий-сиёсий атамалар орасида мустаҳкам ўрин эгаллади. Бу тушунча нафақат янгиланиш жараёнининг навбатдаги босқичини ифодалайди, балки миллий қудратнинг, дунёга очиқлик руҳининг қайта тикланаётганидан ҳам дарак беради. Айни пайтда Янги Ўзбекистон сурату сийрат жиҳатидан юртимизнинг азал-азалдан илм-фан ва маданият, бардавом халқаро муносабатлар ўчоғи сифатидаги довруғини тасдиқлаш билан бирга халқнинг тафаккури, руҳу тийнатидаги бунёдкор куч қайта уйғонса, қандай мўъжизалар содир бўлишини яна бир бор дунё аҳлига намоён этмоқда. Мазкур жараён эса ижтимоий-сиёсий ислоҳотлару технологик янгиланишдан тортиб халқаро нуфузнинг ортишигача бўлган беқиёс ўзгаришларни ўз ичига олади.***

### Мавҳумлик давридаги ҳамкорлик

Қайта тикланишнинг янги даври, айниқса, ташқи сиёсат йўналишида кўпроқ намоён бўлмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошланган ислоҳотлар туфайли Ўзбекистон прагматизм ва ўзаро манфаатли шерикликка асосланган дипломатик алоқаларни ҳам фаоллаштирмоқда. Давлатимиз халқаро муносабатларда ишончли, масъулиятли ва аниқ мақсадларга интилаётган иштирокчи бўлиб, мулоқот руҳини белгилаш ва ҳамкорликнинг кун тартибини шакллантиришга қодир.

Ташқи сиёсат майдонида юз берган сўнгги воқеа-ҳодисаларда Ўзбекистон етакчиларга хос бўлган шундай ролни бажардики, буни бемалол “дипломатик тантана” деб аташ мумкин. Давлатимиз раҳбари сўнгги кунларда, нисбатан қисқа вақт ичида, олиб борган муваффақиятли учрашувларнинг асосий мавзулари мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор тармоқларига тегишли кўп миллиардлик битим ва келишувлар, ҳамкорликнинг гуманитар йўналиши, сайёҳлик алмашинуви масалалари бўлиб, бу музокаралар бутун дунёда тан олинган, энг ривожланган давлатлар ва нуфузли ташкилотлар билан олиб борилгани аҳамиятлидир.

Ҳар қандай воқеа ёки янгиликни тушуниш учун шу воқеанинг ўзинигина эмас, балки унинг маъноси, мағзини англаш муҳим. Хўш, бугун биз яшаётган дунёнинг воқелиги, ҳақиқати нимада?

Ҳар қайси медиа-маҳсулот билан танишишни бошлар эканмиз, кўз ўнгимизда бутун бир мамлакат ёки минтақанинг фожиалари гавдаланади. Яқин Шарқда ва Украинада одамлар ҳалок бўлиши давом этмоқда. Африка қитъасидаги катта-катта ҳудудларда янги қарама-қаршилик ўчоқлари пайдо бўляпти. Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда намойиш этилаётган даҳшатли воқеаларни кузатиб, юрагинг орқага тортиб кетади. Қарангки, буларнинг ҳаммаси ядро уруши, бир миллатнинг бошқасидан устунлиги, одамлар онги билан “ўйнашиш”га уриниш каби масалалар ҳақида шунчаки сўз юритиш фонида юз бермоқда.

### Нигоҳ

Сиёсий саҳнада ҳам шафқатсизлик бундан кам эмас. Янгиликлар тасмасидан маълум бўлишича, давлатлар яқинлашиш ўрнига, бир-бирлари билан муносабатларни узишмоқда. Ташқи сиёсатда турбулентлик — қалтис силкинишлар мавжудлиги ҳақидаги сўзларга ўрганиб ҳам қолдик. Бу эса дунёда беқарорлик, мавҳумлик мавжудлигини, оддий қоида ва қонуниятлар ишламай қўйганини англатади. Воқеалар ривожининг мураккаблиги ва шиддати сабабли жараёнларни олдиндан айтишнинг иложи йўқ, тартиб ва тартибсизлик ўртасидаги мутаносиблик бузилган. Айни вақтда юз бераётган ҳодисалар бу ноаниқлик буҳронининг марказидир.

Хўш, мана шундай шароитда Ўзбекистон қандай йўл тутмоқда? У ана шундай ноаниқлик сақланиб қолган вазиятда мавжуд муносабатларни янада мустаҳкамламоқда. Айниқса, мамлакатимизнинг нафақат туб манфаатлари, балки умумий келажаги мужассам бўлган минтақамиз — Марказий Осиёда ўзаро ҳамкорликни кучайтирмоқда.

➔ 3

# ИСЛОҲОТЛАР – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

*Президентимизнинг Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига табриги байрам шукуҳини янада оширди. Унда тиббиёт фидойиларининг шарафли ва масъулиятли меҳнати эътироф этилди, мамлакатимизда соҳага қаратилаётган давлат эътибори ва амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг натижалари ўзига хос сарҳисоб қилинди.*

**Муносабат**

Тиббиёт ходимлари, бу — инсон ҳаёти ва саломатлиги учун туну кун курашадиган, ўз бурчига садоқатли одамлар. Уларнинг меҳнати фақатгина касб эмас, балки ҳақиқий қаҳрамонликдир. Айниқса, пандемия даврида тиббиёт ходимларининг ўз ҳаётини хавф остига қўйиб кўрсатган фидойилиги бутун жамият томонидан юксак қадрланди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тиббиёт соҳасига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Инсон қадри учун” тамойили асосида соғлиқни сақлаш тизими давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу эътибор нафақат шифокорларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, балки тизимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Табрикда кейинги йилларда Давлат бюджетидан тиббиёт соҳаси учун йўналтирилаётган маблағлар ҳажми 6 карра оширилгани, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳияти тубдан яхшилангани таъкидланди. Соҳа аҳолига янада яқинлаштирилиб, сифатли тиббий хизматлар маҳаллагача туширилгани қайд этилди.

Энг муҳими, бундай ўзгаришлар натижасини ҳар бир юртдошимиз ўз ҳаётида ҳис этмоқда. Жумладан, илгари фақат пойтахтда кўрсатилган 400 дан зиёд юқори технологик тиббий хизматлар ҳозирги вақтда вилоят ва туманларнинг ўзида ҳам амалга оширилмоқда. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами бўйича халқаро тажрибага асосланган янги модель жорий этилаётгани эътиборга молик. Қисқа муддатда ҳудудларда 490 та муассаса қайта ташкил этилиб, юридик мақомга эга бўлган 350 та мустақил оилавий поликлиника фаолияти йўлга қўйилгани бу борадаги ишларнинг натижасидир.

### Қулай, шаффоф ва манзилли

Соҳада қўлланилаётган электрон дастурлар шифохоналар ҳамда бирламчи тизим муассасалари билан интеграция қилинади. Ушбу ислоҳотларнинг асосий мақсади тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартларга етказиш ва уларни аҳоли учун янада қулай, шаффоф ҳамда манзилли қилишдир.

Бунда, аввало, бирламчи тиббий ёрдамни кучайтириш кун тартибидаги муҳим масалага айланган. Эътибор марказига олис ва чекка ҳудудлардаги аҳолига хизмат кўрсатувчи оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларини модернизация қилиш қўйилди. “Тиббиёт бригадалари” тизимининг жорий этилиши аҳоли саломатлигини маҳалла даражасида назорат қилиш имконини берди.

➔ 4

Қўшма корхона:

# ЙИРИК САНОАТ ВА ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ

*Булоқбоши туманида “Jo‘ydam Ta’mir Invest” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси томонидан қиймати 350 миллион АҚШ долларилик йирик саноат ва қурилиш лойиҳасини амалга оширишга киришилди.*

**Бунёдкорлик**

Унинг доирасида полипропилен қоплар, шифер, газоблок, тайёр бетон ҳамда йўлак плиткалари ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиши, шунингдек, логистика маркази ва “Buloqboshi city” тураржой мажмуаси қурилиши режалаштирилган.

— Мазкур лойиҳанинг иқтисодий самараси юқори бўлиб, кўплаб иш ўринлари яратади, — дейди туман ҳокимлиги масъул ходими Иброҳимжон Юлдашев. — Шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва замонавий инфратузилмани ривожлантириш имконияти кенгаяди.

Таъкидланишича, корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нафақат ички бозор эҳтиёжини қондириш учун, балки экспортга ҳам йўналтирилади. Бу эса туман инвестициявий жозибадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
(«Халқ сўзи»).



**Шукуҳ**

# МАСЪУЛИЯТЛИ ВА ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБЛАРИ ЭҲТИРОМДА

*Юртимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси “Тиббиёт ходимлари куни” сифатида байрам қилинади. Куни кеча мазкур сана мамлакатимиз бўйлаб баланд шукуҳда кенг нишонланди. Айниқса, Президентимизнинг Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига йўллаган табриги байрамнинг кўтаринки руҳини янада оширди.*

Пойтахтимизда ўтказилган тадбирда тизим мутасаддилари, соҳа ходимлари ва жамоатчилик вакиллари қатнашди. Маросим давомида бир гуруҳ шифокор ва ҳамшираларнинг муносиб тақдирлангани ҳақиқий байрам совғаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худоёров сўзга чиқиб, соҳа ходимларини касб байрамлари билан қутлади.

Бугун юртимизда соғлиқни сақлаш тизими жадал ривожланиш ва янгиланиш босқичида. Инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаёти ва саломатлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар кўлами ва натижалари мамлакат тиббиёти қандай тез суръатлар билан ривожланаётганини яққол намоён этмоқда.

— Муҳими, юз бераётган ўзгаришларнинг амалий натижаларини одамларимиз ўз ҳаётида сезмоқда. Давлатимиз халқни рози қилишга қаратилган бундай эзгу саъй-ҳаракатлар салмоғини изчил ошириб боряпти, — дейди соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худоёров. — Хусусан, 2016 йилда тиббиётга бюджетдан ажратилган йиллик маблағ ҳажми 5 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, бугунги кунга келиб, бу рақам 42 триллион сўмга етди.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг халқаро тажрибага асосланган янги моделини жорий этишга киришилди. Ҳозир ўн бешта ҳудудда бошланган тажрибасинов лойиҳаси асосида бажарилаётган ишлар айни шу мақсадлар рўёбига хизмат қилмоқда.

Соҳа фидойилари меҳнатини қадрлаш ва уларни муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг “Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонининг эълон қилиниши ҳам шарафли касб эгалари меҳнатининг муносиб эътирофи бўлди. Фармонга кўра, бир гуруҳ соҳа ходимлари “Фидокорона хизматлари учун”, “Меҳнат шуҳрати”, I даражали “Соғлом авлод учун”, II даражали “Соғлом авлод учун”, I даражали “Саломатлик”, II даражали “Саломатлик”, “Дўстлик” орденлари, “Соғлом турмуш”, “Келажак бунёдкори” ҳамда “Шуҳрат” медаллари билан тақдирланди.

Тантанали тадбирда эл саломатлиги посбонларининг машаққатли меҳнатлари эътироф этилди. Дилрабо куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.

**Дилшод КАРИМОВ**
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

## II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Абдусаламова Кимиё Кушановна** — Кўкдала туманидаги «Гулистон» оилавий шифокорлик пункти оилавий шифокори, Қашқадарё вилояти

**Акбаров Мурат Тургунович** — Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг анестезиология-реанимация бўлими мудири

**Алиева Мархабохон Носировна** — Олтиариқ туманидаги 89-оилавий поликлиникаси мудири, Фарғона вилояти

**Гаффаров Исокул Сайиткулович** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Пайариқ тумани бўлими «Челак» пункти ҳайдовчиси, Самарқанд вилояти

**Джаббарова Додар Рахимовна** — Яшнобод туманидаги «Lor mama» хусусий клиникаси бош шифокори, Тошкент шаҳри

**Еримбетова Индира Оралбаевна** — Болалар онкологияси, гематологияси ва иммунологияси илмий-амалий тиббиёт марказининг онкогематология бўлими мудири

**Исақова Барнохон Анваровна** — Булоқбоши тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими педиатри, Андижон вилояти

**Нурова Замира Аннакуловна** — Тошкент давлат тиббиёт университетининг Термиз филиали тиббий биология ва гистология кафедраси мудири, Сурхондарё вилояти

**Рахимов Баходир Бахранович** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Хатирчи тумани бўлими ҳайдовчиси, Навоий вилояти

**Суярова Зебо Исроиловна** — Нурободтумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими мудири, Самарқанд вилояти

## I даражали «Саломатлик» ордени билан

**Гуламова Рисолат Садиковна** — Сайхунобод туманидаги 21-оилавий поликлиникаси патронаж дояси, Сирдарё вилояти

**Назаров Абдукаюм Абдухалилович** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Янги Наманган тумани бўлими фельдшери, Наманган вилояти

## II даражали «Саломатлик» ордени билан

**Алиева Жамила Азадовна** — Хива шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси шифокор-онкогинекологи, Хоразм вилояти

**Алимджанов Нусратджан Амилджанович** — Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг эндокрин хирургия бўлими мудири

**Алтибаев Уйғун Учкунович** — Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг нейрохирургия бўлими мудири

**Ахмаджонов Орифжон Неъматжонович** — Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг анестезиология ва реанимация бўлими мудири

**Бахадирханов Мухамедзариф Мухамед Кабирович** — Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт марказининг операция бўлими мудири

**Джумаева Мехринисо Абдулхамидовна** — Қумқўрғон туманлараро перинатал марказининг чақалоқлар реанимацияси бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

**Джуманиязов Джавохир Азатбаевич** — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг эндоскопия бўлими мудири

**Есенбаев Пухарбай Қазакбаевич** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Қонликўл тумани бўлими автокорхонаси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Имомбердиева Ражаббуви Бийжановна** — Чирчиқ шаҳридаги «Дилчеҳра» хусусий клиникаси раҳбари, Тошкент вилояти

**Қурбонов Дониёр Олтинович** — Қоракўл тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими мудири, Бухоро вилояти

**Қурбонов Ҳошим Нарзимурадович** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Бахмал тумани бўлими ҳайдовчиси, Жиззах вилояти

**Мавлонова Эхтибор Шукруллоевна** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Зарафшон шаҳар бўлими шифокори, Навоий вилояти

**Мадреймова Гулпаршин Имамаддиновна** — Тахтакўпир туманидаги «А.Адилов» оилавий шифокорлик пункти патронаж ҳамшираси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Махкамов Махкамжон Козимович** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг қон томир нейрохирургияси бўлими мудири

**Очилов Анвар Самарович** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах вилояти филиали анестезиология-реанимация бўлими мудири

**Решетняк Марина Юрьевна** — Яккасарой туманидаги 58-оилавий поликлиникаси оилавий шифокори, Тошкент шаҳри

**Рустамов Бахт Ерашимович** — «Эзгу ният» кўп тармоқли тиббиёт марказининг юрак-қон томир жарроҳи, Тошкент шаҳри

**Саттарова Гулнара Алобидиновна** — Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг проктология бўлими жарроҳи

**Сафаров Суннатулла Саторович** — Иштихон тумани соғлиқни сақлаш бўлими мудири, Самарқанд вилояти

**Тўлаков Равшан Панжиевич** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадарё вилояти филиали директори

**Умурзаков Косимжон Холмирзаевич** — Андижон шаҳридаги «Great Medical» масъулияти чекланган жамияти шифокори, Андижон вилояти

**Ҳотамов Баҳодир Равшанович** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Ғиждувон тумани бўлими «Оғитма» пункти ҳайдовчиси, Бухоро вилояти

## «Дўстлик» ордени билан

**Абас-зада Нигина Жаҳангир қизи** — UNFPA ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили

**Авазов Комилжон Жураевич** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Шаҳрисабз тумани бўлими ҳайдовчиси, Қашқадарё вилояти

**Атажанова Раъно Шадибаевна** — Мирзачўл тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси патронаж ҳамшираси, Жиззах вилояти

**Варфоломеева Татьяна Александровна** — У.Қ.Курбонов номидаги Республика болалар руҳий асаб касалхонаси бўлим мудири

**Жайбергенова Гулнара Муратбаевна** — Қораўзак тумани тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ бўлими неонатологи, Қорақалпоғистон Республикаси

**Корнелия Бекер** — Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси соғлиқни сақлаш дастури директори

**Обейд Мустафа** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг кардиохирургия бўлими мудири

**Рехина Мария Кастилло Родригес** — ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари

**Санкавец Дмитрий** — Беларусь Республикаси «Она ва бола» илмий-амалий марказининг болалар анестезиология-реанимация бўлими анестезиолог-реаниматологи

**Сухова Людмила Вячеславовна** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Бўстонлиқ тумани бўлими катта фельдшери, Тошкент вилояти

**Турдалиева Дилфуза Мамадалиевна** — Поп туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйи катта ҳамшираси, Наманган вилояти

**Халак-Дина Ашина** — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари

**Юсупов Сулаймонқул Ибрагимович** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Сирдарё вилояти филиали ҳайдовчиси

## «Соғлом турмуш» медали билан

**Авазова Муқаддас Биноевна** — Ангор туманидаги «Қ.Тулаков» оилавий поликлиникаси патронаж ҳамшираси, Сурхондарё вилояти

**Жуманов Зоир Юлдашович** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Гурлан тумани бўлими ҳайдовчиси, Хоразм вилояти

**Жураева Садоқат Уктамовна** — Навоий шаҳридаги «Logo Effect Sadoqat» имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган хусусий муассасаси раҳбари, Навоий вилояти

**Камбарова Санобар Курбонбоевна** — Сардоба туманидаги 26-оилавий поликлиникаси патронаж ҳамшираси, Сирдарё вилояти

**Камолова Хулкархон Садриддиновна** — Янгиқўрғон туманидаги 61-оилавий поликлиникаси оилавий шифокори, Наманган вилояти

**Каримов Комил Олимжонович** — Паркент туманидаги 44-оилавий поликлиникаси мудири, Тошкент вилояти

**Курбонова Радха Рахматуллаевна** — Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилояти филиали чақалоқлар реанимацияси бўлими мудири

**Кучкарова Мунира Кахрамановна** — Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти директорининг ўринбосари

**Мавлянова Шахноза Закировна** — Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий лабораторияси мудири

**Маримова Эркиной Козиевна** — Беруний тумани тиббиёт бирлашмасининг чақалоқлар бўлими мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

**Мехмоналиева Нодира Толибовна** — Данғара туманидаги 31-оилавий поликлиникаси мудири, Фарғона вилояти

**Полванова Адолат Отабоевна** — Янгиариқ тумани тиббиёт бирлашмасининг реанимация бўлими катта ҳамшираси, Хоразм вилояти

**Ражабова Мамлакат Икромовна** — Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси, Бухоро вилояти

**Ташбаев Нуриддин Сараевич** — Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг стратегик режалаштириш, ахборот-таҳлил ва ижро интизоми бўлими бошлиғи

**Умаров Бахром Яминович** — Андижон вилояти фтизиатрия клиник шифохонасининг даволаш бўлими фтизиатри

**Фозилбеков Рузикул Анаркулович** — Тошкент шаҳридаги «Akfa medline» клиникасининг гинекология бўлими мудири

**Юлдашева Гулнора Джасуровна** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Жиззах вилояти филиали шифокори

**Юсупов Саминжон Абсаттарович** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Қуйи Чирчиқ тумани бўлими ҳайдовчиси, Тошкент вилояти

**Яхшиликова Феруза Нуридиновна** — Булунғур тумани тиббиёт бирлашмаси бош ҳамшираси, Самарқанд вилояти

## «Келажак бунёдкори» медали билан

**Ахмадиев Эдвард Эрикович** — Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг акушер-гинекологи

**Олимжонов Камолиддин Алишер ўғли** — Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг трансплантация бўлими шифокор-гематологи

**Ражабов Дониёрбек Бахтиёр ўғли** — Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт марказининг лор шифокори

## «Шуҳрат» медали билан

**Аширова Мухаббат Холматовна** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Юнусобод тумани бўлими шифокори, Тошкент шаҳри

**Ашуров Абдуғафор Ғуломович** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Чуст тумани бўлими «Ахча» пункти ҳайдовчиси, Наманган вилояти

**Жабборова Дилшода Рабимовна** — Нурота туманидаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйи хўжалик бекаси, Навоий вилояти

**Ибрагимов Насридинбек Расулович** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Андижон вилояти филиали ҳайдовчиси

**Казаков Рузимурот Эломонович** — Косон туманидаги «Андабозор» оилавий шифокорлик пункти ўрта тиббиёт ходими, Қашқадарё вилояти

**Курбанова Мавлуда Разиковна** — «Бухоро дори-дармон» масъулияти чекланган жамиятининг 1-марказий дорихонаси бўлим бошлиғи, Бухоро вилояти

**Махмудов Аброрхон Саидмусаевич** — Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг реанимация ва интенсив терапия бўлими мудири

**Мирзаидов Умид Миркомил ўғли** — «Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази» лойиҳа офисининг гуруҳ раҳбари

**Самадов Фуркатжон Носибжанович** — Болалар миллий тиббиёт марказининг неврология бўлими шифокор-неврологи

**Сафаров Аҳрор Зувайдилло ўғли** — Миллий тиббиёт марказининг трансплантология ва ангиохирургия бўлими мудири

**Султанов Алижон Турсунбаевич** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Тошкент шаҳар филиали ҳайдовчиси

**Ташмаматов Шерзод Холмаматович** — Гулистон тиббиёт кластерининг нефрология-гемодиализ бўлими шифокори, Сирдарё вилояти

**Темирова Севара Орифжон қизи** — Қўшработ тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси патронаж дояси, Самарқанд вилояти

**Тошбоев Хусниддин Нумонжонович** — Фарғона тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Фарғона вилояти

**Тураев Бобур Батир ўғли** — Тошкент давлат тиббиёт университетининг болалар кўп тармоқли клиникаси кардиохирургия бўлими кардиожарроҳи

**Турсункулов Илхомжон Камалович** — Миллий тиббиёт марказининг интервенцион аритмология бўлими мудири

**Хусанбаев Хасанжон Шавкатович** — Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг операция бўлими офтальмологи

**Эламанов Кенжа Гулбаевич** — Республика тез тиббий ёрдам марказининг Узун тумани бўлими ҳайдовчиси, Сурхондарё вилояти

**Эсонов Азиз Рахимбердиевич** — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг реанимация ва интенсив терапия бўлими мудири

**Юлдашева Муфаззалхон Шокировна** — Хўжаобод туманидаги «Тўраобод» оилавий шифокорлик пункти патронаж ҳамшираси, Андижон вилояти.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 8 ноябрь

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

б) ҳар бир ҳудудда:

i) **“Энг яхши туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш органи раҳбари”, “Энг яхши оилавий поликлиника раҳбари”, “Энг яхши туман (шаҳар) шифокори”** ва **“Энг яхши туман (шаҳар) ўрта тиббиёт ходими”**;

ii) **“Энг яхши оилавий поликлиника”, “Энг яхши туман (шаҳар) шифохонаси”** ва **“Энг яхши ҳудудий шифохона”**.

**4. Белгилансинки:**

а) танлов натижалари асосида **ғолиблар** қуйидаги миқдорларда Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисобидан бир марталик **рағбатлантирилади**:

i) тиббиёт муассасалари — **500 миллион сўм**;

ii) тиббиёт ва раҳбар ходимлар — **30 миллион сўм**;

б) танлов ғолиблари **Тиббиёт ходимлари куни** арафасида эълон қилинади, уларни **давлат мукофотларига тавсия этиш** ҳамда **хориждаги** нуфузли таълим ва илмий ташкилотларда Жамғарма маблағлари ҳисобидан **менежерлик ва бошқа замонавий дастурлар асосида ўқитиш** амалиёти йўлга қўйилади;

в) “Энг яхши республика шифохонаси раҳбари”, “Энг яхши туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш органи раҳбари” ва “Энг яхши оилавий поликлиника раҳбари” номинациялари бўйича танлов ғолиблари **“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” фахрий унвони** билан тақдирлашга тавсия этилади.

5. **2026 йил 1 апрелдан бошлаб** давлат тиббиёт муассасаларининг иш вақти режими **беш кунлик** иш ҳафтасига ўтказилсин. Бунда тиббиёт муассасалари иш фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш учун байрам ва дам олиш кунлари навбатчилик асосида ишлаш йўлга қўйилади.

6. Белгилаб қўйилсинки, **2026 йил 1 январдан бошлаб** давлат тиббиёт муассасаларида Жамғарма маблағлари ҳисобидан:

а) туман (шаҳар) даражасида янги даволаш усулларини жорий қилган ва унинг ижобий самарасига эришган туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари шифокорларига базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 баравари** миқдорида **бир марталик пул мукофоти** берилади;

б) давлат тиббиёт муассасаларида камида 15 йил иш стажига эга бўлган тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг фарзандларига республика ҳудудидаги олий таълим ташкилотларида бакалавриат таълим йўналиши бўйича йиллик контракт суммасининг **30 фоизи** миқдоридаги, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан ошмайдиган қисми қоплаб берилади;

в) тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг **халқаро илмий-техник маълумотлар базасида индексланувчи** ва **юқори импакт-факторли журналларда** мақолаларни чоп этиш билан боғлиқ харажатлари тўлиқ қоплаб берилади;

г) ҳар йили давлат тиббиёт муассасаларида камида 15 йил иш стажига эга бўлган **500 нафар** тиббиёт ва фармацевтика ходимларини уй-жой билан таъминлаш учун ипотека кредити асосида сотиб олинадиган **уй-жойнинг дастлабки бадал тўловининг 25 фоизи** қоплаб берилади.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг миллий аккредитациядан ўтган давлат тиббиёт муассасалари ходимларига 2026 йил 1 январдан бошлаб лавозим маошининг **10 фоизи миқдорида** ойлик устама тўлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

8. **2026 йил 1 январдан бошлаб** давлат тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ва фармацевтика ходимларига қуйидаги қўшимча имтиёзлар берилсин:

а) давлат тиббиёт муассасаларида камида 3 йил иш стажига эга бўлган ходимларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бир йилда бир маротаба **бепул юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам** кўрсатиш;

б) давлат тиббиёт муассасаларида камида 15 йил иш стажига эга бўлган ходимларга Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда тиббиёт муассасасининг маблағлари ҳисобидан бир йилда бир маротаба республика ҳудудидаги санаторийларга **бепул йўлланма** бериш;

в) барча турдаги давлат хизматлари учун тўловлар миқдорини **икки баробар** камайтириш.

**III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат қилиш**

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги **бир ой муддатда** мазкур қарорда белгиланган имтиёзларни қўллаш ҳамда танлов ғолибларини аниқлаш бўйича мезон ва тартиб-таомилларни тасдиқлаш чораларини кўрсин.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **2026 йилдан бошлаб**:

а) мазкур мақсадлар учун ҳар йили Жамғармага қўшимча индексация қилиб бориладиган **100 миллиард сўм** маблағ ажратсин;

б) Давлат бюджети параметрларида мазкур қарор билан белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларнинг кўзда тутилишини таъминласин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ҳамда шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.А.Худаяров белгилансин.

13. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг тиббиётни ислоҳ қилиш бўйича ўринбосари Т.А.Алиева зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2025 йил 9 ноябрь

**2026 йил 1 апрелдан бошлаб давлат тиббиёт муассасаларининг иш вақти режими беш кунлик иш ҳафтасига ўтказилади.**

# ДИПЛОМАТИК РЕНЕССАНС

## Янги Ўзбекистоннинг изчил ташқи сиёсати унинг глобал майдонда ишончли ва прагматик ҳамкор сифатидаги мақомини мустаҳкамлайди

←1 Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсат йўналиши очиқликка асосланган. Бу эса мамлакатимизнинг дунёдаги етакчи давлатлар ва куч марказлари билан ўрнатаётган муносабатларида, йирик иштирокчилар ҳамда бизнинг прагматик манфаатларимиз ўртасидаги мувозанатда ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Президенти чинакам ташқи сиёсий ренессансни бошидан кечираётган мамлакатнинг манфаатларига таянади. Бундай сиёсат ҳаётга татбиқ этилишининг натижаси эса маълум: бу мамлакат иқтисодиётига киритилаётган хорижий сармоялар ҳажмининг каррасига ортиши, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар, шунингдек, турли соҳаларда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар сонининг кўпайишидир. Давлатимиз раҳбари ташқи саҳнада чуқур ўйланган стратегияни рўёбга чиқаришда қатъият, шижоат ва кучли иродани намоён этмоқда.

Сўнгги бир неча ҳафта ичида Президентимиз Озарбайжонда Туркий давлатлар ташкилотининг саммитида, Тожикистонда эса “Марказий Осиё — Россия” форматидаги учрашув ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарларининг йиғилишида қатнашди, Брюсселга ташриф буюрди ва бу ерда Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Шунингдек, Самарқандда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ўтказилди. Сўнгра давлатимиз раҳбари Қатарда бўлиб ўтган ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Бутунжаҳон саммитида иштирок этди. Ва ниҳоят, муҳим тарихий воқеа — Президентимизнинг АҚШга ташрифи бўлиб ўтди.

### Нью-Йоркдан Вашингтонга

Давлатлар етакчиларининг учрашувларини кузатиш асносида нафақат имзоланаётган ҳужжатлар ва битимларни синчиклаб ўрганиш, суҳбатларни тинглаш, балки яна ўша вақтдаги тантана ва маросимларга эътибор қаратиш муҳим. Шу маънода дадил айтиш мумкинки, Президентимизнинг АҚШ раҳбари билан Вашингтондаги учрашуви энг юқори савияда ўтди. Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари етакчилари икки томонлама стратегик шерикликни янги босқичга кўтаришди ва бу билан муносабатларда янги саҳифани очишди.

Ўзбекистон Президенти Оқ уйнинг Фахрий меҳмонлар китобида қайд ёзиб қолдирди. Сўнг Овал хонада етакчилар музокара ўтказди. Унда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Жорий йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, жумладан, “С5+1” форматида Марказий Осиё ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Вашингтондаги учрашув бундан бир ойдан кўпроқ вақт аввал Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда АҚШ Президенти Дональд Трамп ўртасида БМТ қароргоҳида Бош Ассамблеянинг 80-сессияси доирасида бўлиб ўтган учрашувнинг мантиқий давоми бўлди. Ўшанда етакчилар Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари ва устувор йўналишларини батафсил муҳокама қилган эди.

Қўшма Штатлар Президенти Ўзбекистон етакчисининг 50 дан ортиқ йирик Америка компания ва банклари раҳбарлари билан ўтказган учрашув ва музокаралари натижаларини юксак баҳолади. Ўшанда фуқаро авиацияси, тоғ-кон саноати, муҳим минераллар, молия, инновациялар, кимё, энергетика ва бошқа устувор йўналишларда шартномалар ва истиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилди. Ушбу лойиҳа ва келишувлар икки мамлакатда ўн минглаб янги иш ўринларини яратиши таъкидланди.

Сентябрь ойида Нью-Йоркда ва ноябрь ойида Вашингтонда бўлиб ўтган икки учрашув орасида юқори даражадаги делегациялар ўртасида жадал фикр алмашишлар бўлди, катта ташкилий ишлар олиб борилди. Айнан ана шу саъй-ҳаракатлар янги музокараларга аниқ режа ва лойиҳалар, инвестиция, технология ва саноат ҳамкорлиги доирасида чуқур ўйланган таклифлар асосида ёндашиш имконини берди.

Ўзбекистон раҳбари Дональд Трампни ички ва ташқи сиёсатда эришилган юқори натижалар билан қутлади. Унинг ўткир халқаро ва минтақавий можароларни тинч йўл билан ҳал этишдаги шахсий ҳиссасини юқори баҳолади. Ўз навбатида, АҚШ Президенти Ўзбекистон раҳбарининг Америка ҳукумати ва етакчи корпорациялари билан учрашувларини олқишлади.

Етакчилар қўшма лойиҳаларни илгари суришда институционал механизмларни яратиш ва такомиллаштириш муҳимлигини таъкидлашди. Музокаралар сўнгида Ўзбекистон Президенти америкалик ҳамкасбини ўзига қулай пайтда Ўзбекистонга расмий ташрифни амалга оширишга таклиф этди.

“С5+1” саммитини алоҳида қайд этиш лозим. Унда Ўзбекистон Президенти ушбу форматни ташкил этгани учун АҚШ етакчисига миннатдорлик билдирди. Бундай формат ўзининг ўн йиллик тарихида минтақавий савдо, транспорт-энергетика алоқаларини ривожлантиришнинг самарали механизмига айлангани таъкидланди. Ушбу саммит Марказий Осиё ва АҚШ ўртасидаги стратегик мулоқотнинг янги босқичини бошлаб бериши айтиб ўтилди. Бу борада аниқ ташаббуслар таклиф этилди.

Хусусан, иштирокчи мамлакатларда навбати билан жойлаштириладиган доимий фаолият юритадиган Котибиятни таъсис этиш, давлат идоралари, компаниялар ва молия институтлари ўртасида тизимли мулоқотни таъминлаш мақсадида вазирлар даражасида Инвестициялар ва савдо бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш, “Марказий Осиё инвестициявий шериклиги” жамғармасини ишга тушириш ташаббуслари билдирилди. Марказий Осиёни Жанубий Кавказ ва Европа билан боғлайдиган йирик транспорт-коммуникация ва энергетика лойиҳаларини амалга ошириш, минералларни қидириш, қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш, шунингдек, тайёр маҳсулотларни глобал етказиб бериш занжирларига киритиш учун Махсус қўмита тузиш, қишлоқ хўжалигини Америка технологияларини жорий этган ҳолда модернизация қилиш мақсадида Минтақавий агротехнологик инновациялар шериклигини ташкил қилиш таклифлари илгари сурилди.

> *Ўзбекистон Президенти чинакам ташқи сиёсий ренессансни бошидан кечираётган мамлакатнинг манфаатларига таянади. Бундай сиёсат ҳаётга татбиқ этилишининг натижаси эса маълум: бу мамлакат иқтисодиётига киритилаётган хорижий сармоялар ҳажмининг каррасига ортиши, хорижий капитал иштирокидаги корхоналар, шунингдек, турли соҳаларда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар сонининг кўпайишидир. Давлатимиз раҳбари ташқи саҳнада чуқур ўйланган стратегияни рўёбга чиқаришда қатъият, шижоат ва кучли иродани намоён этмоқда.*

Ўзбекистон Президентининг АҚШнинг етакчи музейларида Марказий Осиё мамлакатларининг маданий меросига бағишланган қўшма кўргазмаларни уюштириш ташаббуси гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўз нутқи сўнгида Президент Шавкат Мирзиёев навбатдаги “С5+1” саммитини Самарқанд шаҳрида ўтказишни таклиф этди.

Ташрифнинг амалий дастури доирасида америка компаниялари, инвестициявий жамғармалари ва молиявий институтлари вакиллари билан учрашув ҳам бўлиб ўтди. Қатнашчилар орасида “Traxys”, “FLSmidth”, “McKinsey”, “Meta”, “Google”, “Amazon” ва бошқа корпорацияларнинг топ-менежерлари бор эди. Президент қайд этганидек, сўнгги саккиз йилда АҚШ билан товар айланмаси 4 мартага кўпайди, Ўзбекистонда 300 дан ортиқ америка компаниялари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Давлат раҳбарининг фикрича, ҳамкорлик бўйича эришилган бу даража янада кенгроқ истиқболли янги босқичнинг бошланиши, холос.

Шунингдек, ташриф доирасида ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Унга кўра, 2030 йилгача янги энергетика тизими яратилади, фойдали қазилмалар Америка технологияларидан фойдаланган ҳолда қазиб олинади ва қайта ишланади, АҚШнинг “Google”, “Meta”, “NVIDIA” компаниялари билан рақамли шериклик кенгайтирилади, “Apple Pay” ва “Google Pay” тўлов тизимлари жорий этилади, Рақамли академия ва стартап-хаблар тармоғи яратилади.

Президентимиз Қўшма Штатлар компанияларининг инвестициявий таклифларини шахсан қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирди. Ўзбекистон ишончли ҳамкор ва муваффақият кафолати бўлиб қолишини таъкидлади.

Дональд Трамп “TruthSocial” ижтимоий тармоғида икки мамлакат ўртасида ажойиб савдо-иқтисодий келишув тузилгани ҳақида хабар берди. Президент Шавкат Мирзиёевга конструктив суҳбат учун миннатдорлик билдирди, Ўзбекистон билан ҳамкорлик муносабатларини узоқ муддатли ва стратегик, деб атади.

АҚШ Президенти шуни ҳам таъкидладики, Марказий Осиё — нафақат стратегик жиҳатдан муҳим, балки жуда бой манзил, бироқ аввалги президентлар томонидан бу тан олинмаган. Унинг қўшимча қилишича, ҳозирги маъмурият ушбу хатони тўғрилаш, Американинг минтақадаги ҳар бир мамлакат билан ҳамкорлигини кучайтириш ниятида.

Бу сўзлардан аёнки, АҚШ минтақанинг муҳимлигини тан олган ҳолда унга бўлган эътиборни тикламоқчи. Бунда Ўзбекистон Президентининг ёндашуви, айниқса, эътирофга лойиқ. У тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, келишмовчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилади. Бу эса мамлакатимизни Марказий Осиёнинг табиий ва ишончли ҳамкорига айлантиради.

Ушбу фикрни таъкидлаган сиёсий таҳлилчи Джеймс Дурсо “The Hill” нашридаги мақоласида ёзишича, айнан Ўзбекистон минтақанинг барча тўрт республикаси ҳамда Афғонистон билан чегарадош бўлиб, у Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнади.

### Ватанга хизмат қилиш йўли

Мамлакатимиз номи кейинги йилларда хорижий оммавий ахборот воситаларида тез-тез учраяпти, у сиёсий таҳлилчи ва шарҳловчилар тилидан тушмаяпти. Айниқса, бу йилги кузда Ўзбекистон бутун дунёда яна ҳам машҳур бўлди. Бунга хизмат қилган омиллардан бири — ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси Самарқанд шаҳрида ўтказилаётгани бўлди. Мазкур воқеа тарихий аҳамиятга эга. Чунки кейинги 40 йил ичида конференция илк бор Ташкилот штаб-квартирасидан ташқарида ўтказилмоқда.

Унда 190 та аъзо давлатлардан ва халқаро ташкилотлардан келган 2 800 нафар вакил, жумладан, 70 га яқин юқори мартабали раҳбарлар қатнашяпти. Сессиянинг очилишида мамлакатимизга ташриф буюрган Сербия Республикаси Президенти Александр Вучич ва Словакия Президенти Петер Пеллегрини ҳам фахрий меҳмон сифатида иштирок этишди.

Экспертлар баҳолашича, бундай катта анжуман учун қадимий Самарқанднинг танланиши бежиз эмас. Яъни бу — Ўзбекистоннинг глобал маданиятлараро мулоқот ривожига, маданий ва тарихий меросни асраб-авайлаш ва оммалаштиришга, Барқарор ривожланиш мақсадларини илгари суриш ишига катта ҳисса қўшаётганлиги эътирофидир.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида таъкидлаганидек, бундай нуфузли форумнинг мамлакатимизда ўтказилаётгани ташкилотга аъзо давлатларнинг Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли, жадал ислоҳотларга бўлган юксак ишончининг ёрқин ифодасидир. “Шонли саксон йиллик юбилейини нишонлаётган ЮНЕСКО ўтган давр мобайнида таълим, илм-фан, маданият, санъат, ахборот соҳасида глобал ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик борасида жаҳондаги нуфузли институт сифатида ўзини намоён этиб келмоқда”, деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Самарқанднинг танланиши рамзий маънога эга эканини таъкидлаган давлатимиз раҳбари буни мазкур шаҳарнинг инсониятнинг тарих солномасига гуманистик ғоялар, нодир билимлар, цивилизацияларaро мулоқот маркази сифатида киргани билан боғлади. Президент айтиб ўтганидек, геосиёсий кескинлик ва ҳарбий можаролар таъсирида сайёрамиздаги ноёб ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар ва бебаҳо маданий мерос катта зиён кўрмоқда.



“Давлатлар ўртасида билим ва технологиялар, рақамли ресурслардан фойдаланиш бўйича тафовут ортиб бормоқда. Бунинг натижасида имкониятлар тенгсизлиги ва қашшоқлик кучаймоқда. Бундай мураккаб вазият ЮНЕСКОнинг асосий вазифаларини тўлиқ амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларимизни ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ бирлаштиришни тақозо этмоқда”, деди Президент Шавкат Мирзиёев.

> *Одри Азуле сўзларига кўра, Самарқанд — “Қуёшга юз тутган шаҳар”, бу — “маданиятлар чорраҳасида пайдо бўлган хазина”. Шундай жойнинг танланиши ЮНЕСКО миссиясининг асосини ташкил этувчи қадриятлар, яъни мулоқот, ҳамкорлик ва очиқлик рамзидир.*

Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг олийжаноб ва эзгу мақсадларига қатъий содиқ эканлиги, Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида уйғунлик кўприги, барча учун очиқ ва конструктив ҳамкорлик майдони бўлишга ҳамиша тайёрлиги яна бир бор таъкидланди.

ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле Ўзбекистон раҳбарига меҳмондўстлик ва тарихий тадбирни ташкил этганлиги учун миннатдорлик билдирди. Ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашар экан, у Ўзбекистон таклифига биноан ЮНЕСКО тарихида, 40 йилда илк бор бош конференция Париждан ташқарида, Самарқандда ўтказилаётганини, унда иштирокчи мамлакатлар сони 110 дан ортиқ бўлганини таъкидлади. Одри Азуле сўзларига кўра, Самарқанд — “Қуёшга юз тутган шаҳар”, бу — “маданиятлар чорраҳасида пайдо бўлган хазина”. Шундай жойнинг танланиши ЮНЕСКО миссиясининг асосини ташкил этувчи қадриятлар, яъни мулоқот, ҳамкорлик ва очиқлик рамзидир.

Бош директор Ўзбекистон Президенти киритган ташаббусларга алоҳида тўхталиб ўтди. Унинг сўзларига кўра, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари халқаро кун тартибининг энг долзарб йўналишларига тегишлидир. Бу йўналишлар — инклюзив таълимни ва хотин-қизларнинг лидерлик қобилиятларини ривожлантириш, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш, ҳужжатли меросни асраш, иқлим ўзгаришларига қарши курашиш. Буларнинг барчаси, — деди Одри Азуле, — республиканинг ташкилот ғоялари ва қадриятларига содиқлиги, унинг тинчлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва барқарор тараққиёт мақсадлари йўлидаги қатъиятини тасдиқлайди.

ЮНЕСКО Бош конференцияси президенти Хондкер Муҳаммад Талха ҳам Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади. Анжуман қатнашчиларига мурожаат қилар экан, у Алишер Навоийнинг “Билим ва донолик инсоннинг безагидир”, деган сўзларини келтирди ҳамда бу сўзлар Ўзбекистон Президентининг йўлини жуда яхши таърифлашини айтди. “Айнан бу инсон билим, илм-фан ва умумқадриятлар сари бошланган йўлни мукаммал адо этиб келмоқда. Ва бу қадриятлар, айни вақтда, ЮНЕСКОнинг идеаллари билан чуқур уйғунликдадир”, деди у давлатимиз раҳбари фаолиятига юксак баҳо бериб.

Хондкер Муҳаммад Талханинг таъкидлашича, “Ўзбекистон Президентининг йўли ҳақиқий давлат арбобининг йўлидир. Илмий салоҳият, маъмурий донолик ва ўз мамлакати тақдири учун чуқур масъулият ҳиссини ўзида бирлаштирган бу давлат арбоби ўзининг кенг амалий тажрибаси ва стратегик қарашларига таяниб, Ўзбекистонни ривожлантиришнинг замонавий концепиясини шакллантира олди ва уни жамият манфаати учун ишонч билан амалга оширишда давом этиб келмоқда. Ҳурматли Президент жаноблари раҳбарлигида мамлакат барча соҳаларда мисли кўрилмаган тараққиётга эришди. Ўзбекистон ўзини дунёга очди ҳамда изоляция, алоҳида четланиш ўрнига мулоқот ва амалий дипломатияни афзал кўрди. Инсон қадр-қимматини улуғлаш тамойилларини қўллаб-қувватлаган ҳолда ҳар бир фуқаронинг фаровонлигини таъминлаш йўлидан боришни танлади”.

ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясидаги нутқида давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ЮНЕСКО билан ҳамкорликни кенгайтиришни мақсад қилганини қайд этди ва мазкур йўналишдаги қатор ташаббусларни илгари сурди. Булар инклюзив таълимни ривожлантириш ва соҳада сунъий интеллект технологияларини кенг қўллаш, ЮНЕСКОнинг алоҳида эҳтиёжли болалар учун Инклюзив таълимни ривожлантириш платформасини жорий этиш, Жаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш, юртимизда ЮНЕСКО иштирокида “Сунъий интеллект — мактаб” намунавий лойиҳасини амалга ошириш ва Сунъий интеллект этикаси бўйича халқаро экспертлар анжуманини ўтказишдир.

Шунингдек, хотин-қизларнинг етакчилик қобилияти ва компетенциясини таъминлаш учун глобал дастурларни фаол ишга тушириш ҳамда - Самарқанд шаҳрида барча қитъаларнинг машҳур тадқиқотчилари, санъат намояндалари, педагог ва ихтирочи хотин-қизларнинг Таълим, маданият ва фан соҳасидаги глобал форумини ўтказиш таклифлари ҳам киритилди. Иқлим инқирозига қарши биргаликда самарали курашиш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Нохолис ахборотларни тарқатиш, жамоатчилик фикрини чалғитиш ва дискриминацияга қарши биргаликда самарали чоралар кўриш жиддий заруратга айланаётгани айтиб ўтилди. Дунёда динлараро зиддиятлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда бағрикенглик, ўзаро тушуниш ва тотувлик каби умуминсоний ғояларни кенг тарғиб этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси томонидан ЮНЕСКО мақсадлари ва миссияси қўллаб-қувватлангани, унинг халқлар ўртасидаги ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш тамойилларини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси анжуман меҳмонларининг алоҳида эътирофига сабаб бўлди. Уларнинг фикрини умумлаштирган Хондкер Талханинг таърифича, конференциянинг юқори савияда ўтказилгани Ўзбекистон Президентининг тарихий ташаббуси туфайли амалга ошди.

Қирғизистоннинг Франциядаги элчиси ва ЮНЕСКО қошидаги доимий вакили Содиқ Шер-Ниёз айтганидек, Бош конференциянинг 43-сессияси Самарқанд шаҳрида ўтказилгани — бу нафақат Ўзбекистоннинг ғалабаси, балки бутун Марказий Осиё ва барча туркий тилли халқлар учун катта шарафдир.

“Ўзбекистон учун, бизнинг биродарларимиз ва бутун минтақа учун фахр туйғуси тўлиб-тошди, — деди у. — Воқеанинг аҳамиятини таърифлаб бериш қийин. Бугун Самарқандда бутун дунёнинг инсонпарварлик элитаси йиғилди. Бу ерда маданият, фан, таълим, теварак-атроф муҳофазасини ривожлантиришга, шунингдек, сунъий интеллектни ривожлантириш йўлларини излашга қаратилган тарихий қарор ва резолюциялар қабул қилинмоқда”.

Дипломатнинг сўзларига кўра, Президент Шавкат Мирзиёев келгуси ўн йилликда инсоният олдида турган стратегик вазифаларни аниқ кўрсатиб берди. Бу йўналишлар жуда муҳим ва долзарб, ахир улар нафақат минтақанинг, балки бутун дунёнинг гуманитар тараққиёти келажагини белгилаб беради.

Сербия Президенти Александр Вучичнинг фикрича, ЮНЕСКОнинг тадбири Ўзбекистонда ўтказилиши ушбу мамлакатнинг жаҳон маданий меросини асрашдаги ролининг эътирофидир. У ўзининг Самарқандда бўлишини катта шараф ҳамда ушбу қадимий шаҳарнинг ноёб мероси билан танишиш имконияти, деб ҳисоблайди.

— Аминманки, конференция ЮНЕСКОнинг келгусидаги тадбирлари учун намуна бўлади, у халқлар ўртасидаги маданий алоқалар ва ўзаро бир-бирини тушунишга хизмат қилади, — деб якун ясади сўзига Сербия раҳбари.

Сўнгги ҳафталардаги воқеалар шуни тасдиқлайдики, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган ташқи сиёсат ўзгача сифат босқичига чиқмоқда. Ўзбекистон нафақат бутунжаҳон сиёсатининг янгича воқеликларига мослашмоқда, балки ўзи ҳам унинг фаол иштирокчиларидан бирига айланмоқда. Кўриб турганимиздек, прагматизм, миллий манфаатлар ва жаҳонга очиқликни ўзида бирлаштирган изчил ва пухта ўйланган стратегия рўёбга чиқарилмоқда. Етакчи давлатлар билан бирга ташаббусларни дадил илгари суриш, глобал гуманитар ва маданий кун тартибидаги асосий ролни ўйнаш — буларнинг барчаси реал натижаларга олиб келмоқда. Янги Ўзбекистон ўзининг ишончли ва ҳурматли шерик сифатидаги мақомини исботлаяпти ва бу мақом чинакам эътирофга сабаб бўлмоқда.

Жонажон Ватанимизнинг бугунги нурафшон тонглари, дунёда тенглар ичра тенг юксалаётгани ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғуларини жўштиради. Қалбни тўлқинлантирган ғурур, қувонч ва ҳаяжон беихтиёр шеърий мисраларга айланади:

*Дунёга юз тутган Ўзбекистон бу,*
*Ҳали ёзилажак минглаб достон бу,*
*Эзгулик, ободлик ҳар қадамида,*
*Фахр, ифтихорли мангу бўстон бу.*

*Бу олам тан берган шижоати бор,*
*Ҳар нени енгувчи матонати бор,*
*Фидойи, тин билмас, элпарвар мудом,*
*Юртбоши бор — бахту саодати бор!*

**Ўткир РАҲМАТ.**

**Анқара шаҳрида «Ўзбекистон — Туркия: иқтисодий ҳамкорлик алоқалари кенгаймоқда» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.**

# ИСЛОҲОТЛАР — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

← 1 Шунингдек, сўнгги йилларда кўплаб янги ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари қурилди ва мавжудлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Замонавий диагностика ва даволаш ускуналари сотиб олиниб, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси янгиланди.

Тиббиёт ходимларининг меҳнатини муносиб қадрлаш мақсадида уларнинг ойлик маошлари сезиларли даражада оширилди. Энг муҳими, фидойи шифокорлар ва ҳамшираларни мукофотлаш, уларга имтиёзли уй-жойлар ажратиш бўйича давлат дастурлари амалга оширилмоқда.

“Электрон соғлиқни сақлаш” тизимини жорий этиш орқали тиббий хизматларга ёзилиш жараёни соддалаштирилди, маълумотлар алмашинуви тезлашди ва тизимдаги коррупция ҳолатларининг олди олинмоқда.

Телемедицина технологияларининг ривожланиши олис ҳудудлардаги беморларга пойтахтдаги мутахассислар маслаҳатини олиш имконини бермоқда. Давлатнинг тиббиёт соҳасига бўлган бундай комплекс ёндашуви Ўзбекистонни минтақада тиббий туризм марказига айлантириш, аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини ошириш ва касалликлар профилактикасини кучайтириш каби стратегик мақсадларга хизмат қилади.

## Рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллект имкониятлари

Жорий йил Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими учун ҳақиқий бурилиш нуқтаси бўлди. Давлатимиз раҳбарининг соҳага кўрсатаётган улкан эътибори ва оқилона сиёсати туфайли тиббиётда рақамлаштириш ишлари бутунлай янги, сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарилди. Энг муҳими, замонавий технологиялар, хусусан, робот техникаси ҳамда сунъий интеллект имкониятлари мамлакатимиз тиббиётига кенг татбиқ қилинмоқда.

Тарихий воқеа сифатида қайд этиш жоизки, жорий йилда илк бор давлат тиббиёт муассасаларига робот технологиялари кириб келди. Бу инсон омилига боғлиқ хатоликларни камайтириш, операциялар ва муолажалар аниқлигини ошириш, шунингдек, тиббий ходимларнинг иш юкламасини оптимал-



лаштириш йўлидаги катта қадамдир. Роботларнинг тиббиётга кириб келиши соҳанинг нафақат келажагини, балки бугунги кунини ҳам белгилаб бермоқда.

Ўтаётган йилда тиббиётни рақамлаштириш ишларини бутунлай янги босқичга кўтарган муҳим қадамлардан бири — DMED ягона электрон ахборот платформасининг ишга туширилиши бўлди. Унга 36 миллиондан зиёд аҳолининг тиббий маълумотлари киритилгани, ҳар бир фуқаронинг соғлиғи ҳақидаги маълумотларни бир жойда жамлаш, шифокорларнинг бемор тарихига тезкор кириши ҳамда тиббий хизматларни индивидуаллаштириш имконини берди. Бу тизим қабулхоналардаги навбатларни камайтириш, қоғозбозликдан воз кечиш ва тиббий хизматлар шаффофлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Соҳада рақамли трансформация жараёнларини бошқариш ва мувофиқлаштириш мақсадида вазирлик тизимида “Рақамли соғлиқни сақлаш” маркази очилди. Бу марказнинг асосий вазифаси инновацион технологияларни тиббиётга жорий этиш, жумладан, сунъий интеллект имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади.

Сунъий интеллект асосида бажарилаётган тиббий текширув ва муолажанинг турлари 43 тага етгани, ташхис қўйиш сифатини ошириш, касалликларни эрта босқичларда аниқлаш ва даволаш самарадорлигини оширишда катта ютуқдир. Масалан, сунъий интеллект тасвирларни таҳлил қилиш орқали саратон ёки бошқа жиддий касалликларни инсон кўзи илғамаган ҳолда ҳам аниқлаши мумкин.

Тез тиббий ёрдам хизматида ҳам муҳим янгиликлар жорий этилди. Чақириқларни электрон бошқариш тизими ўрнатилгани диспетчерлик хизмати ишини оптималлаштирди, тез тиббий ёрдам бригадаларининг чақириқ манзилига етиб бориш вақтини қисқартирди. Бу ҳаёт ва ўлим ўртасидаги ҳал қилувчи дақиқаларда беморларга ўз вақтида ёрдам кўрсатишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

## Жаҳон андозаларига мос механизм

Давлат тиббий суғуртаси — жаҳон андозаларига мос замонавий механизм. Ушбу механизмни жорий қилиш ишларининг изчил давом эттирилаётгани ҳам аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган муҳим қадамдир. Тиббий суғурта тизими ҳар бир фуқаронинг сифатли тиббий ёрдам олишини кафолатлайди ва тиббий харажатларни камайтиради.

Жорий йилда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган рақамли ислоҳотлар ва инновацион технологияларнинг жорий этилиши соҳанинг тараққиёти учун мустаҳкам пойдевордир. Роботлар, сунъий интеллект ва ягона электрон платформа каби янгиликлар тиббий хизматлар сифатини ошириш, уларни янада қулай ва шаффоф қилиш, энг асосийси, Ўзбекистон аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

> “Ўтаётган йилда тиббиётни рақамлаштириш ишларини бутунлай янги босқичга кўтарган муҳим қадамлардан бири — DMED ягона электрон ахборот платформасининг ишга туширилиши бўлди. Унга 36 миллиондан зиёд аҳолининг тиббий маълумотлари киритилгани, ҳар бир фуқаронинг соғлиғи ҳақидаги маълумотларни бир жойда жамлаш, шифокорларнинг бемор тарихига тезкор кириши ҳамда тиббий хизматларни индивидуаллаштириш имконини берди.”

Ваҳоланки, бундан саккиз йил илгари бу каби ижобий ўзгаришларни орзу қилиш мумкин эди, холос. Қувонарли фактлардан бири мамлакатимиз тиббиётида хусусий секторнинг ўрни тобора ортиб бораётганида. Ўтган саккиз йил мобайнида хусусий клиникалар сони 3,5 мингтадан 9 мингтага етди. Шунингдек, улар томонидан кўрсатилаётган тиббий хизмат турлари ҳам сезиларли даражада кенгайиб, 50 тадан қарийб 130 тага ошди. Бу аҳоли учун тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти ва танлаш эркинлигини ошириш билан бирга, рақобат муҳитини шакллантириб, тиббий хизматлар сифатининг янада яхшиланишига хизмат қилаётганини амалда кўриб-билиб турибмиз.

Тиббиёт соҳасидаги яна бир муҳим йўналиш фармацевтика саноатини ривожлантиришдир. Мамлакатимиз фармацевтика бозорида миллий маҳсулотларнинг ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Бу эса ички бозорни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан таъминлаш, шунингдек, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

## Юқори малакали кадрлар — соҳа келажаги

Тиббиёт соҳасидаги муваффақиятлар, аввало, юқори малакали кадрлар билан боғлиқ. Шу мақсадда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мавжуд учта олий ўқув юрти негизида Тошкент давлат тиббиёт университети ташкил этилди, Урганч давлат тиббиёт институти фаолияти йўлга қўйилди. Бу тиббий таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Шунингдек, Самарқанд давлат тиббиёт университетининг нуфузли халқаро “Times Higher Education” (THE) рейтингидан жой олгани ва халқаро аккредитациядан ўтган тиббиёт олий таълим муассасаларининг сони 8 тага етгани юртимиз тиббий таълими нуфузи ортиб бораётганини кўрсатади.

Жорий йилда 300 нафарга яқин мутахассисларимизнинг ўнлаб ривожланган хорижий мамлакатларда ўз билим ва малакасини ошириб келгани соҳа мутахассисларининг доимий равишда янги билим ва кўникмаларга эга бўлишини таъминламоқда.

Демак, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, замонавий тиббиёт имкониятларини кенгайтириш ва соҳанинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қиляпти. Бу эса ҳар бир фуқаронинг соғлом ва фаровон ҳаёт кечириши учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Бугунги кунда ҳар бир инсоннинг соғлиғи — давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Тиббиёт ходимлари — шифокорлар, ҳамширалар, фельдшерлар ва барча соҳа вакиллари туну кун, тиним билмай меҳнат қилиб, халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида жонбозлик кўрсатмоқда. Айнан уларнинг бой билим ва тажрибаси, замонавий тиббиёт ютуқларини амалиётга татбиқ этишга бўлган интилиши туфайли касалликларнинг олди олинмоқда, инсонларнинг ҳаёти сақлаб қолинаётир ва шу тариқа умумий умр кўриш даражаси яхшиланмоқда.

Мамлакатимизда ўртача умр кўриш даражаси 73,8 дан 75,1 ёшга узайгани бу нафақат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг, балки ўз касбига фидойи, тинимсиз меҳнат қилаётган соҳа ходимларининг муносиб ҳиссаси борлигининг ёрқин далилидир.

Тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар замирида ҳар бир инсон ҳаёти учун кураш, минглаб оилаларнинг қувончи ва шифокорларнинг эзгу орзулари рўёби мужассамидир.

Шубҳасиз, шифокорларимиз ва соҳа ходимлари бундан кейин ҳам тизим ривожини янги босқичга кўтариш, шонли анъаналарни изчил давом эттириш, жаҳон тиббиётининг илғор ютуқларини ўзлаштириш учун янада катта куч-ғайрат билан меҳнат қилишларига шубҳа йўқ. Уларнинг фидойилиги, замонавий технологияларни ўзлаштиришга бўлган интилиши Ўзбекистон тиббиётини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Мадамин МАДАЗИМОВ,**
**Андижон давлат тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.**

# СПОРТ хабарлари

## Ар-Риёд — 2025: спортчиларимиз муваффақиятлари

*Саудия Арабистонида бўлиб ўтаётган VI Ислом бирдамлиги ўйинларининг навбатдаги куни делегациямиз учун омадли ўтди. Спортчиларимиз кун давомида 1 та олтин, 2 та кумуш ва 2 та бронза медалларини жамғарди.*



Хусусан, дзюдо баҳсларида Замоҳшари Бекмуродов (-66 кг.) барча рақибини енгиб, олтин медални қўлга киритган бўлса, Шаҳрам Аҳадов (-73 кг.) кумуш медаль билан тақдирланди. Шунингдек, Лазиза Ҳайдарова (-48 кг.) ва Шукуржон Аминова (-57 кг.) шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Эркин сузиш бўйича 1 500 метр масофада ўтган баҳсларда Илья Сибирцев кумуш медалга эга чиқди.

Мазкур натижалардан кейин делегациямиз Туркия ҳамда Индонезиядан кейин ҳозирча 3-ўринда турибди.

## Профессионал бокс оқшоми

*Аввал хабар берилганидек, шу йилнинг 14 ноябрида пойтахтимиздаги “Ҳумо Арена” мажмуасида профессионал бокс оқшоми ўтказилади.*

Мазкур кечанинг марказий жанги ярим ўрта вазн тоифасида WBA камари учун мажбурий даъвогар бўлиб турган ҳамюртимиз Шаҳрам Ғиёсов ҳамда россиялик Марк Урванов ўртасида бўлиб ўтади. Унда боксчилар 8 раунд давомида баҳс олиб боради. Шу билан бирга, супероғир вазнда яна бир 8 раундлик жангда Баҳодир Жалолов нигериялик Соломон Адебайо билан рақобатлашса, ушбу вазнда Лазизбек Муллажонов WBC CISBB камари учун 10 раундлик жангда Моньясаҳу Муритадор билан жанг қилади.

Иккинчи ўрта вазнда WBC CISBB камари учун яна бир ҳамюртимиз Нурислом Исмоилов 10 раундлик жангда танзаниялик Жозеф Маигвисьяга қарши рингга кўтарилади. Шунингдек, ушбу кечада қатор боксчиларимиз турли вазнларда навбатдаги жангларини ўтказади.

## «Касаба кубоги»: соғлом турмуш тарзи тарғиботи

*“Янги Ўзбекистон” университетида “Ўзбекистон касаба уюшмалари — 120 йил халқ билан” шиори остида волейбол, стритбол, стол тенниси ва шашка бўйича “Касаба кубоги” спорт мусобақалари ўтказилди.*



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Тошкент шаҳар спорт бошқармаси, Миллий олимпия қўмитаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган мусобақаларнинг саралаш ҳамда финал босқичларида 147 нафар иштирокчи 4 та спорт тури бўйича беллашди.

Якунда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ходимлар ўртасида жисмоний фаолликни ошириш ва меҳнат жамоаларида соғлом муҳитни қарор топтириш мақсадида ўтказилган ушбу мусобақа ғолиби ҳамда совриндорлари ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалар, кубок, медаль ва дипломлар билан тақдирланди.

**«Халқ сўзи».**

**Қулайлик**

# Чекка гўшада қўшқаватли боғча

*Бухоро вилоятининг олис манзили саналган Пешку тумани Хоркаш маҳалласида яшовчи аҳолининг узоқ йиллик орзуси рўёбга чиқди. Бу ерда 120 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим ташкилотининг қўшқаватли биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.*



— Ушбу маҳаллада айни пайтда 3 мингдан зиёд фуқаролар истиқомат қилмоқда, — дейди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Ҳ. Шаропова. — Табиийки, 3 — 7 ёшдаги болалар сони ҳам оз эмас. Шу нуқтаи назардан, барча қулайликларга эга замонавий мактабгача таълим ташкилотининг иш бошлагани ҳудуд аҳолиси, хусусан, ёш ота-оналар учун айни муддао бўлди. Негаки, болаларни умумий ўрта таълим мактабига тайёрлаш масаласи кун тартибидан тушди. Муҳими, энди хоркашликларнинг жажжи фарзандлари шаҳардагидан қолишмайдиган шарт-шароитларда таълим-тарбия олади.

Юртимизнинг барча гўшасида кузатилаётгани каби Пешку туманида ҳам ёш авлоднинг баркамол вояга етиши йўлида бу каби хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Айни пайтда туманда жами 164 та мактабгача таълим ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Бу 3 — 7 ёшли болажонларнинг 10 минг нафаридан зиёдини ёки 92 фоизини боғчаларга қамраб олиш имконини берди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Туризм**





# Ахсикент дунё сайёҳларини ҳайратга солмоқда

*Уч минг йиллик тарихга эга Ахсикент ёдгорлиги авлодлараро узвийликни акс эттирган чорраҳа сифатида янги қиёфа касб этаётир. Кўҳна шаҳар харобалари остидан қазиб олинаётган қимматбаҳо осориатиқалар бу ерда ташкил этилаётган археологик кластерни маъно ва мазмун жиҳатдан бойитмоқда.*

Айниқса, кейинги пайтларда қурилган рамзий дарвоза, ўша пайт руҳини акс эттирган қалъа деворлари ва қатор очиқ осмон остидаги музейлар сайёҳлар оқимини янада кўпайтириб юборди. Куни кеча археопаркка турк ноширлари ва медиа вакилларининг гуруҳи келди.



— Наманганга саёҳатимиз ажойиб бўлди, — дейди журналист Ханде хоним. — Ҳаво ўчоғидан тушибоқ тарихга қоришиб кетдик. Ахсикент туркий дунёнинг бош археоёдгорликларидан биридир. Уни авлодлар учун сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар таҳсинга сазовор.

Ўзбекистоннинг энг сара манзиллари ўрин оладиган катта китоб-альбом яратиш ишида ижодий гуруҳ учун археопаркнинг қўлёзмалар маркази манбалари ҳақиқий совға бўлди.

— Наманган ёрқин ранглари билан хотирамда қолди. Уни ўзгача ракурсларда тасвирларга муҳрладим, — дея таассуротларини изҳор этади видеоэксперт Фатиҳ Пинар.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, Фарғона водийсининг жозибали туризм масканларидан бирига айланиб бораётган Ахсикентни томоша қилиш учун келаётган сайёҳлар сони жорий йилнинг ўн ойида 40 мингдан ортди. Уларнинг ярмига яқини дунёнинг 72 давлатидан ташриф буюрган хорижликлардир.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Лондонда нуфузли тарихчи Беттани Хьюз иштирокида тасвирга олинган «Беттани Хьюзнинг жаҳон хазиналари — Ўзбекистон. Олтин йўл» номли ҳужжатли фильм тақдимоти ўтказилди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Аликулов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.25 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6